



# Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/> [t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

## Президент ташрифидан сўнг



**ТАРИХ СИЛСИЛАСИДАН ОМОН ҚОЛГАН НЕЧА ЗИЁРАТҲОҲУ, ОБИДАЛАР, МУҚАДДАС КАДАМЖОЛАР, МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ДУНЁ АҲЛИНИ ЎЗИГА РОМ ЭТИБ КЕЛАЁТГАН КАДИМ ВА НАВҚИРОН МАРҒИЛОНДА БУГУН ЎЗГАЧА МУҲИТ, ЎЗГАЧА КАЙФИЯТ ХУКМОН.**

Барчанинг юзида ёрқин табассум, мақсадлар муштарак, тиллардан кулоч ёйган. Яқин йилларда 25 минг аҳолига мўлжалланган янги турар жой – "Янги Ўзбекистон" массиви қад ростлайди.

Очиғи, марғилонликлар бу кунлар келишини муштоқлик билан узоқ кутишганди.

Жорий йил 12 июль куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг вилоятимизга ташрифи чоғида яқин истиқболга белгиланган вазифалар доирасида Қўқон ва Марғилон шаҳри, туманлар марказларида "Янги Ўзбекистон" массиви қурилиши лойиҳаси бўйича топшириқлар берган эди.

Ўтган қисқа вақт ичида топшириқ ижроси юзасидан Марғилон шаҳрининг Янгиҳаёт кўчасида жойлашган 75 гектар ер майдонида 6 минг хонадонли "Янги Ўзбекистон" массивини бунёд этиш мақсадида бош режа ишлаб чиқилди.

Шу ҳафтада вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров "Янги Ўзбекистон" массивида бўлиб, қурилиш-пудрат ташкилотлари раҳбарлари, қурувчи ва меъморлар билан суҳбатлашди.

Тадбир давомида пойдевор ишлари-га киришилиб, эзгу ниятлар ёзилган келажакка мактуб махсус идишга солиниди ва тантанали равишда кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмини бетонлаштириш ишлари бошланди.

Аҳоли зич яшайдиган Марғилон шаҳрида йил сайин туғилишлар сони ортиб бормоқда. Статистик таҳлилларга кўра, шаҳарда 1 квадрат километр майдонда яшовчи аҳоли сони 1500 нафарга етади. Бу меъёрдан анча юқори кўрсаткич. Бунинг натижасида бир ховлида уч-тўрт талаб оила яшашига мажбур. Кўп қаватли уйлар қурилса-да, бу билан ҳам аҳоли эҳтиёжини қондириши қийин бўлмоқда.

Бугунги кунда шаҳарда 328 та кўп қаватли турар жой мавжуд. Уларнинг 277 таси 1991 йилгача бунёд этилган, маънан эскирди. 2016 йилдан шу даврга қадар янги қурилиб, фойдаланишга топширилган кўп қаватли уйлар сони атиги 40 тани ташкил этади. Келгуси 6-7 йилда аҳоли сони икки бараварга ошиши кутилмоқда.

Ҳўш, шу кунга қадар нега талаб бор жойда, эҳтиёжини қоплаш масаласи ортга сурилди?

– 2023 йилда 12 та, ушбу йилда 14 та янги турар жойлар бунёд этилган бўлса, мазкур кўрсаткич аҳоли эҳтиёжига қараганда жуда кам. Бунинг сабаби шаҳарда яшаш хонадонларини қуришга мўлжалланган ҳудуд йўқлигида. Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга навбатдаги ташрифи чоғида бу муаммо ҳал этилди. Фарғона туманининг 110 гектар қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга мўлжалланган ерлари Марғилон шаҳри тасарруфига ўтказилди. Ҳозирда янги массив лойиҳаси доирасида катта бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ҳудудга кўп қаватли замонавий турар жойлар, йирик ижтимоий объектлар жойлаштирилади, – дейди вилоят ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Ҳожиқўзижон Исақов.

2 бет

## АЙТИНГ, ҚАЙ ЎҒИЛДАН КАМДИР ҚИЗИНГИЗ?!

Ёки "тракторчи" қиз қандай қилиб касб-хунар мактаби директори бўлди

ОЧЕРК

Гулираъно Холиқова – "Холиқов йўлчибой" фермер хўжалиғи раҳбари, Беруний номидаги давлат стипендияси ҳамда "Келажак бунёдкори" медали соҳибаси, Лолахон Муротова номидаги қишлоқ хўжалиғига ихтисослашган касб-хунар мактаби директори.

### ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Риштон туманининг Қайрағоч маҳалласида яшовчи йўлчибой ака ва Озодахон опа икки қизни тарбиялашди, ўқитишди. Ер билан "тиллашиш"нинг уддасидан чиққан йўлчибой ака фарзандларини ҳам ҳалол меҳнат қилишга, инсофли, диёнатли, ориятли бўлишга ўргатди. Катта фарзанди Адолат Холиқова шифокор бўлди, кичик қизи Гулираъно эса ота касбини давом эттирди...

### МЕНИНГ ҲАМ СУЯНГАН ТОҒИМ, ИШОНГАН ТАЯНЧИМ БОР

Йўлчибой ака деҳқон эмасми, касбини давом эттирадиган меросхўри бўлишини орзу қиларди. Отасига тиргак бўлишни ният қилган Гулираъно Қўқон автотранспорт касб-хунар коллежини тамомлаб, Андижон қишлоқ хўжалиғи ва агротехнологиялар институтига ҳужжатларини топширди. Талабалик йиллари соҳадаги илмий изланишлари сабаб, Беруний номидаги давлат стипендияси соҳибаси бўлди, кейинчалик магистратурада ўқини давом эттирди.

Гулираънонинг онаси Озодахон опанинг айтишича, аввал бошида қизини бошқа соҳани танлашга ундайди. Аҳдида қатъий бўлган, тутган ерини кесадиган қизни ҳеч ким фикридан қайтара олмайди.

4 бет

## МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ "ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИНГ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида"ги ФАРМОНИ БИЛАН БИР ГУРУҲ СОҲА ХОДИМЛАРИ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ. УЛАР ОРАСИДА ФАРҒОНАЛИК ТАДБИРКОРЛАР ҲАМ БОР.

<b>"МЕХНАТ ШУҲРАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН</b> Турдалиев Бохиржон Илхомович – Бешариқ туманидаги "Водий насли парранда" фермер хўжалиғи бошлиғи.	<b>"ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН</b> Костоев Магомед Эзманович – Риштон туманидаги "Kosto Line holding" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси.	<b>"ШУҲРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН</b> Абдурахимов Мухсин Муминович – Учкўприк туманидаги "Kokand bicycles" хусусий корхонаси раҳбари.
---	--	---



## ХАЛҚАРО "АТЛАС БАЙРАМИ" ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ

Пилла қурти парваришланганда, вояга етгач, ўзидан ипак тодалар чиқаради. Бир донга чигит эса ер ва инсон тафти, меҳридан қувват олади, ўнлаб чаноқларни тўлдириб, пахта толасини етказди. Бу ҳар икки воқелик ҳам ҳануз изоҳини топмаган мўъжизалардир. Шу маънода, дунёдаги энг йирик пахта ва ипак толаси ишлаб чиқарувчи Ўзбекистонни мўъжизалар мамлақати, дейиш мумкин.

Марғилон эса асрлар, балки минг йилликлар давомида не-не хунарамандларни етиштирмади. Ҳозирга келиб, табиий толадан ноёб матолар ишлаб чиқариш борасида энг йирик марказга айланди. Шунинг учун ҳам унга халқаро ташкилотлар "Жаҳон ипак ва икат хунарамандлари шаҳри" мақомини берди. Мўъжизакор тодалардан тўқилган ранг-баранг атлас жилдоси Марғилонга олтинчи бор дунё хунарамандлари, соҳанинг олим ва таниқли мутахассисларини чорламоқда.

Шу йил 19-21 сентябрь кунлари Марғилонда анъанавий халқаро "Атлас байрами" фестивали бўлиб ўтади. Унга ҳозирлик масаласи юзасидан Фарғона вилоятига ташриф буюрган ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сара Ношади хонимни вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров қабул қилди. Томонлар фестивални юқори

савияда ўтказишнинг шартлари ва дастурини муҳокама этилди.

– Фестиваль кунлари табиий толадан ишлаб чиқарилган мато, гилам, кашта, кийим-кечак, мода дизайни йўналишларида иштирокчиларга ўқув-амалиёт дарсларини ташкил этамиз. Бу эса, ўзбек тўқимачилик анъаналарини ривожлантириш ва тарғиб этишга хизмат қилади, – деди Сара Ношади хоним.

– Фарғона вилояти ҳокимлиги ЮНЕСКО билан ҳамкорликдаги бу байрамни юксак даражада ўтказиш учун барча чораларни қўришга тайёр, – деди вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров.

Сара Ношадининг таъкидлашича, мазкур фестивал хунарамандчиликни ривожлантириш, хунарамандларни бутун дунёга таништиришга ёрдам беради. Аслида Фарғона хунарамандлари тарғиботга муҳтож эмас. Халқаро майдонда уларнинг мустақкам ўринлари бор. Йилдан-йилга "Атлас байрами"га ташриф буюрувчилар кўпайиб борапти. Навбатдаги фестивалга бутун дунёдан машҳур дизайнерлар, уста хунарамандлар жалб этилади. Улар бир-бирлари билан фикр алмашади, бир ҳафта давомида тренинглар ўтказилади.

Музокаралар сўнггида Сара Ношади хонимга эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаммадjon ОБИДОВ.  
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

## "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ!"

### КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан "Бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – Ватанмиз!" деган бош ғояни ўзда мужассам этган "Энг улуг, энг азиз!" кўрик-танловининг Фарғона вилоят босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ташкил этилди. Унда вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёзувчилар, шоирлар, бадий ва тасвирий санъат соҳаси вакиллари иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари Хуршид Аҳмедов, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси раиси Ифандиёр Латипов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси Муҳаммадjon Обидов ижодкорларни Мустақиллик байрами билан табриклаш баробарида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига тўхталиб ўтишди. Кейинги йилларда ОАВ соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва истеъдодларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.



3 бет





АЙТИНГ, ҚАЙ ЎҒИЛДАН КАМДИР ҚИЗИНГИЗ?!

1-бет Ёки "тракторчи" киз қандай қилиб касб-хунар мактаби директори бўлди



Йўлчибой ака ўйлаб кўрди, фарзандини қўллаб-қувватлашга, баъзида йигитлар ҳам қўл уришга иккиланадиган касб эгаси бўлишига қаршилиқ қилмади.

шаҳд билан қўлларини ўғлининг елкасидан олибди-да, "Энди ким кучли?", деб савол берса, жигарбанди "Сиз кучлисиз!", дебди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фарғонага ташрифи чоғида Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган касб-хунар мактаби очилди ва Гулираёно Холиқова муассасаси директори этиб тайинланди.

очилиш маросимида "Лола опа қишлоқ хўжалиги соҳасида ўз мактабини яратган ҳақиқий ўзбек деҳқон аели тимсолига айланиб, давримизнинг чинакам қахрамони сифатида яшади.

– "Ерга меҳр берсанг, агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарсанг, ҳосил ҳам шунга яраша бўлади", дея таъкидлайди падари бузрукворим.

Бу ҳаётини мисолни келтиришдан мақсад – менинг ҳам суянган тоғим, ишонган таянчим бор. Аслида, деҳқончиликнинг меҳнати машаққатли.

Лола Муротова Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, "Эл-юрт хурмати" ва "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан таъинланди.

Лола опани яқиндан танирдим, у кишининг насиҳатлари, ўғитларига амал қилишга интилламан. Президентимиз ишониб топширган касб-хунар мактабини илгор хоржий тажрибалар асосида ривожлантиришга, устозимиз хотирасини абадийлаштиришга бор куч ва имкониятларимни сарф этишга тайёрман.

опа келинининг янги хонадонга мослашиб кетиши учун астойдил ҳаракат қилди.

Гулираёно шахсий автомобилида ҳар куни 70 километр йўл босиб, ўзи раҳбарлик қиладиган фермер хўжалиги дала майдонига келади.

– Далани бегона ўтлар босиши, сув ёки ўғитнинг кечикиб берилиши, касалликларнинг вақтида олди олинмаслиги ҳосил салмоғига катта зарар етказиши. Отамнинг ҳар бир ўғити, насиҳатларини тинглаб, ўзим учун хулоса чиқарман.

ФЕРМЕРЛИКДАН МАКТАБ ДИРЕКТОРЛИГИГАЧА

Айни кунларда касб-хунар мактабига қабул жараёни давом этмоқда.

АҒАР ФАРҲОДНИНГ ШИРИН, БУЛАСО МАЖНУНЛАРИНИНГ ЛАЙЛОСИ, НАСИБ УЛМИШ МЕНГА, ГУЛШАН АРО ГУЛЛАРИНИНГ "РАЪНО"СИ

Абдулла Қодирий.

Бир йилнинг отаси "Ким кучли?" деб савол берибди. "Мен кучли", деб жавоб берибди ўғли. Отаси бироз ранжибди, ақалли кўнглим учун ҳам "Сиз кучлисиз, демади-я", деган фикр ўғиди хаёлидан. Яна бир марта шу саволни такрорлаб, ўша жавобни олибди. Бундан ғазабланган ота

Замон ўзгармоқда. Фикрлар, қарашлар ўзгача. Кеча "Қиз бола ўқиб, дунёни олиб берамиди" дейдиганлар кўп эди, бугун "Мени кизимни дунё танийди" деб ният қиладиганлар бисёр.

– Авваллари уйғонишим билан далага чопардим, – дейди Гулираёно. – Ҳозир эса мактабга шошяман, биринчи галдаги вазифам қабулга келган ёшлар билан суҳбатлашиш, уларнинг орзу-умидларига қанот бўлмоқчиман, бироқ даладаги юмушларимни ҳам ортга суриб бўлмайди, зеро, деҳқончиликда бир кун ҳам ғанимат.

2023 йил 19 октябрь. Гулираёно фарғоналик йигитга турмушга чиқди. Муҳаммадсуфга чиндан ҳам гулдан шиддатли киз Гулираёно насиб этди. Муҳаммадсуф Гулираёнони бир йил қузатиб юриб, совчи юборади. Бу фурсат ичиде неча-неча синовларга сабр қилган йигит ниҳоят кизнинг розилигини олади. "Ёр-ёр" садолари остида Фарғона шаҳрига келина бўлган фермер киз янги уйда ҳам кадр топди. Қайнонаси Гулнараҳон

– Қайнонам доимо айларимни яширади. Янги келинлик пайтларимда ўзлари ширин таомлар пишириб, қизим пиширди, дейишади. Онажоним каби меҳрибон, ширинсуз, самимий инсон. Мени қўллаб-қувватлайдиган турмуш ўртоғим, оилам борлиги энг катта бахтим, десам хато бўлмайди. Тонгда қандай шижоат билан уйдан чиқсам, келинлик уйимга ана шундай ғайрат билан интилламан, – дейди у.

– Саид Ахмадининг "Собиқ" ҳикоясидаги қаҳрамонга ўхшаб қолганин истамайман. "Бўлди энди, мен мактаб директори бўлдим", деб қараб ўтирмайман. Оёқда этик, қўлда кетмон... механизаторлар билан тенгма-тенг трактор минаман, ҳар қандай шариоатга мослашадиган қизман! Лола Муротовага ўхшаб, шахсий манфаатни эмас, халқни уйландирган, Ватанини севадиган инсон бўлишни ният қилганман!

Дурдона ҒОҒҒОРОВА, Ўзбекистон Журналистлар уюммаси аъзоси.

Сўраган эдингиз - жавоб берамиз

БОЛАНИ ПАРВАРИШЛАШ ТАЪТИЛИДА БУЛИШ ДАВРИ

3 нафар фарзандим бор. Пенсияга чиқишда болалар парвариши таътилини ҳисоблаш тартиби ҳақида тушунча берсангиз.

Санобар Алиқуллова, Фарғона шаҳри.

– Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизimini янада такомиллаштириш, фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш бўйича давлат хизмати сифатини ошириш, ижтимоий адолат таъминлаш мақсадида бир қатор самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

нингдек буйруқларда зарур ёзувлар бўлмаганда, нотўғри ва ноаниқ ёзувлар бўлганда ушбу давр учун ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома болани парваришлаш таътилида бўлганлик даврининг тасдиғи сифатида қабул қилинади.

ИШ СТАЖИ УЧУН ПЕНСИЯЛАР ОШИРИЛАДИ

Иш стажи учун пенсияларнинг оширилиши ҳақида маълумот берсангиз.

Абдурусул Ҳайитов, Ёзёнов тумани.

– Ёшга доир пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун талаб қилинган меҳнат стажидан ҳар бир ортиқча йиллар учун ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдориди; I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдориди;

Ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ошириш ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдоридан келиб чиқиб, пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн икки баробаридан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона шаҳар бўш мутахассиси Аҳмаджон АТАЕВ жавоб берди.



"AXSAN FURNITURE" МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖ БОЗОРИГА ЧИҚАДИ

Тадбиркор Муҳаммадали Ҳасаров 2023 йилда туман ногиронлар жамияти қошида "Axsan furniture" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Бугунги кунда "Бағдод кичик саноат зонаси"да фаолият юритаётган корхонада таълим ва тиббиёт муассасалари учун қаттиқ ва юмшоқ мебель, сурилувчи парда каби жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда.

аллақачон ўз харидорларини топган. Ҳозирда юртимиздаги савдо марказларига етказиб берилаётган бўлса, тез кунларда хориж бозорларига кириб бориш режалаштирилган.

ЧЕГАРАОЛДИ ХУДУДИДА ТАРҒИБОТ ТАДБИРИ

Сўх туманидаги чегараолди хукудиде жойлашган "Зангат" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиқ хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда капитан Р.Абдуллаев янги тахирдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида"ги қонуни, чегара орқали ўтказиш пунктларидаги давлат назорати, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар ҳамда фуқароларнинг чегарани қўриқлаш ва ҳимоя қилиш орқали мамлакатда тинчлик-барқарорликни асраб-авайлашдаги иштироки, ўзаро яхши қўшничилик муносабатлари ҳақида гапириб ўтди.

Соғлиғимиз - бойлиғимиз



БИПМАЙИН БОСДИ ТИҚАННИ

Ҳар куни қабулимизга қўллаб беморлар мурожаат қилишади. Уларни қийнаб келатган дарддан фориғ этиш учун бор билимимизни, тажрибамизни ишга солаемиз. Баъзан бахтиёр ҳаётда яшаётган, тўрт мучаси соғ инсонларнинг билиб-билмай босган қадамлари қутилмаган ташвишларни етаклаб келатганига гувоҳ бўламиз.

А.ИБРАГИМОВ, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий маркази Фарғона филиали дерматовенерологи.